# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 18 февраль. Сешанба № 14 (5.787). Сотувда эркин нархда


## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ




СУРАТЛАРДА: сессия пайти.

М. АМИН ва Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

14 февраль куни халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда мазкур вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирликлари, қўмита, концерн, уюшма, корпорация, идора ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. М. Исломов пенсияга чиқиши муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Республика Президенти Ислом Каримов тавсиясига биноан Бешариқ тумани ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Нуъмонжон Мўминов Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлади.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосарлари И. Жўрабеков, Қ. Обидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Ё. Жалолов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов қатнашди.

***

Президент Ислом Каримов шу куни Тошлоқ туманида ишга туширилаётган «ДЭУ текстиль компани» корхонасини кўздан кечирди. Корхона раҳбарлари ва муҳандислари билан суҳбатлашди.

Мазкур корхона қурилишига 58 миллион АҚШ доллари миқдорида капитал маблағ сарфланмоқда. Бу ерда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, йилига 13 минг тонна жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ип йигирилади. Давлатимиз раҳбари чет элга сотилиши мўлжалланаётган маҳсулотнинг камида 50 фоизи тайёр ҳолда бўлиши, маҳаллий ёшлардан замонавий технологиянинг барча сир-асрорларини биладиган мутахассислар тайёрлаш лозимлигини, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

(ЎзА).

## ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Қадрли дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маънавий хазинасида Фарғонанинг алоҳида ўрни ва муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда асрлар мобайнида шаклланиб, буюк мазмун ва моҳият касб этган улуғ анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар миллатимизнинг тараққиёт йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона вилояти нафақат табиий гўзаллиги билан, балки, жуда катта ва такрорланмас ишлаб чиқариш салоҳияти, ҳунармандчилик ва маърифий тажрибалари билан ҳам алоҳида нуфузга эга.

Фарғона вилояти диёнатли, ориятли, меҳнаткаш, бағри кенг, меҳмондўст халқи билан ҳам оламга машҳур. Бу заминда миллий қадриятларимиз ва маънавиятимизга ҳамда жаҳон илм-фанининг ривожига улкан ҳисса қўшиб, миллатимизни дунёга танитган Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин ал-Марғилоний каби улуғ зотлар етишиб чиққан.

Фарғона адабий муҳитида камол топган Муқимий, Фурқат, Завқий ва Собир Абдулла каби улуғ маърифатчиларнинг миллатимиз маънавий хазинасига қўшган ҳиссалари ҳам беқиёсдир.

Увайсий, Нодира, Анбар Отин ва Дилшод Барно каби нозик қалб соҳибалари эса ўзбек аёлининг беқиёс маънавий гўзаллигининг, иффати ва садоқатининг бетакрор тимсолидир.

Ўзбек театри, қўшиқчилик ва мусиқа санъатининг йирик намояндалари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, уста Олим Комилов, Тамарахоним, Ҳалимахоним, Мукаррамахоним, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Таваккал Қодиров каби истеъдодлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Истиқлол йилларида Фарғона вилояти халқ хўжалигининг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги тармоқ ва корхоналар барпо этилди.

Кейинги йилларда Қувада қандолатчилик фабрикаси, Қўқонда спирт заводи, Қувасойда ойна ишлаб чиқариш цехи, Риштонда мебель фабрикаси ва Фарғона шаҳрида «Ўзсаламан» қўшма корхоналарининг ишга туширилганлиги вилоятда саноатни ривожлантиришда муҳим туртки бўлди.

Бундан ташқари, чет мамлакатлар билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжудларини қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолининг 80 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланди. Газлаштириш эса истиқлол йилларида икки баравар кўпайди, яъни 75 фоизга етди. Ҳатто энг чекка, тоғли Шоҳимардон қишлоғига ҳам табиий газ етиб борди. Шаҳар ва туман марказларида шарқона усулда бозор, дўкон ва маиший хизмат шохобчалари қурилиб, ободончиликка катта эътибор берилди.

Шу ўринда ватанимиз тарихи ва маданиятида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган шаҳарлардан бири — Қўқон шаҳри ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақбул деб ўйлайман. Қўқон аҳли ўзининг нафис санъати, ҳунармандлиги ва адабий муҳити, маърифати ва юксак маънавияти билан ном қозонган.

Истиқлол йилларида Қўқоннинг қиёфаси тубдан ўзгариб, у ўзининг қадимий санъат ва тижорат маркази сифатидаги нуфузини тиклай бошлади. Янги саноат корхоналарини барпо этишга, тадбиркорликни кенг ривожлантиришга катта эътибор берилди. Хамиртуруш заводи, телефон станцияси, вилоят офтальмология маркази қуриб ишга туширилди. Спирт заводининг иккинчи навбати, янги автовокзал ва янги тўқимачилик комбинати қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Шаҳарда миллий меъморчилик услубида қуриб битказилган 300 дан ортиқ хусусий дўконни кўрган одамнинг кўзи қувонади. Шарқ тижорат санъати анъанасига мувофиқ кечаю-кундуз ишлайдиган биринчи улгуржи савдо бозори — «Бозори шаб» ҳам ана шу Қўқонда барпо этилгани бежиз эмас.

Халқ ҳашари, ўзаро беғараз инсоний ёрдам каби анъаналаримиз Қўқон заминида жуда яхши ривожланяпти. Мана, биргина мисол: шаҳар ўрдасининг катта бир залини Ўзбекистон халқ рассоми 87 ёшли Сайдаҳмад ота Маҳмудов ўғиллари ва шогирдлари билан уч ой мобайнида бепул таъмирлаб берди. Бундай олижаноб иш учун ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Қўқон шаҳридаги каби ташаббускор инсонларни Марғилон, Тошлоқ ва Қувасой шаҳарларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Номлари зикр этилган шаҳарларда ҳам моддий ва маънавий бунёдкорлик ишлари яхши йўлга қўйилган. Энг муҳими, одамларда ёруғликка ишонч ва интилиш бор. Шу юрт учун куйинадиган, шу юрт тақдирини ўйлайдиган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларни кўриб албатта қувонади, қалби ғурурга тўлади.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Фарғона республика халқ хўжалигида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида бу заминнинг бой имкониятлари, беқиёс ишлаб чиқариш қуввати, маънавий ва ақлий заҳиралари алоҳида мавқега эга.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**Н. Ш. МЎМИНОВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Нуъмонжон Шодиевич Мўминов Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 14 февраль.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**М. Й. ИСЛОМОВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Мирзажон Йўлдошевич Исломов пенсияга чиқиши муносабати билан Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 14 февраль.

*Терак — доим керак*

## ҲОЖИ ОТАНИНГ ИБРАТИ

Кўкка адл бўй чўзаётган дуркун ниҳолларга боқиб, шулар бор-йўғи бир ярим йил бурун экилганини эшитган киши ҳайрон қолади. Бу Калифорния тёракларининг бўйи ҳозир тўрт-беш метр келади.

Шаҳрисабзлик Ҳаким ота Очилов тумандаги чорва молларини дори-дармон билан таъминлаш идорасида узоқ йиллар самарали ишлади. Пенсияга чиққач, савоб ишга қўл урди. Шу ниятда тўғри Самарқандга йўл олди. У ердан беш мингта Калифорния тераги қаламчалари олиб келди. Каттагина томорқасини экишга ҳозирлади. Қаламчаларни мутахассислар маслаҳатларига амал қилиб ўтқазди. Кўп ўтмай ниҳоллар бўй кўрсатди. Тажриба бу навли тераклар бизнинг иқлим шароитига ҳам мос эканлигини намоён этди.

Теракзорларни янада кенгайтириш мақсадида отахон шу тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Азамат Боймуродовга ер олиш масаласида сўз очди. Раис унинг эзгу ниятини қўллаб-қувватлаб, хўжалик ҳудудидан бир гектар ер ажратиб берди.

Мана иккинчи йилдирки, унда Ҳ.Очилов ўтқазган қирқ мингта яқин терак дарахтлари қишда чиниқиб солланиб турибди.

— Калифорния тераги ниҳоятда тез ўсувчанлиги, шу билан бирга турли ҳашорат ва касалликларга чидамлилиги, айниқса, тупроқ танламаслиги билан маҳаллий теракларимиздан тубдан фарқ қилади, — дейди у киши. — Бундан ташқари, унинг етилган танасидан 100-120 тагача қаламча тайёрлаш мумкин. Агар ерга яхшилаб ишлов берилса, пушталари 60 сантиметр қилиб олинса яхши ривожланади. Шунда бир гектар майдонда 50 мингтагача қаламча кўкартириш мумкин. Иккинчидан, Калифорния терагининг танаси бизнинг кўк ва бошқа маҳаллий дарахтларимизга нисбатан бирмунча мустаҳкам. Шу билан бирга меҳнат ва харажати кам.

Дарҳақиқат, Шаҳрисабз туманидаги Капкон қишлоғида яшовчи, Ҳаким ҳожи Очил ўғли эзгу ва савобли ишга қўл уриб, юртимиз истиқболи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётир. Бугун барқ уриб ўсаётган бу тераклардан эртага улкан ва кўркам иморатлар қад кўтаради, қишлоқларимиз янада гўзаллашади.

**Абдунаби БОБОЁРОВ.**

## Яхшидан боғ...

Гўзал табиатнинг шайдолари кўп. Субҳиддин ака Қутлиев ана шундайлардан. У кишининг ҳовлиси нақ жаннатни эслатади. Субҳиддин ака томорқадаги ниҳолзорга ишлов бериш, ўғитлаш, суғоришдан ҳеч эринмайди. Ҳар йили хонадонида 20 турдаги мевали дарахт кўчатларини етиштиради. Эрта баҳорда 100-150 туп ниҳолни дўсту биродарларига тарқатади. Мабодо Наврўз арафасида кимнингдир уйига меҳмон бўлиб борса, албатта 2 ёки 4 туп мевали кўчат элтиб, ўтқазиб қайтади. Табиат ва гўзаллик шайдоси қайси хонадонда ўзи эккан олма, нок, ўрик, гилос, олча, шафтоли, бодом, анжир ёки бошқа дарахтларни кўрганида завқланади.

Кўп йиллардан буён Қизилтепа туман электр тармоқлари идорасида ҳалол ишлаб, шаҳарнинг Ҳамид Олимжон номли кўчасида яшаб келаётган Субҳиддин Қутлиев кейинги ўн йил мобайнида қарийб минг туп ниҳол кўпайтириб одамларга тарқатди.

**Б.ЭГАМОВ.**

*Тармоқ таҳлили*

## ҒАЛЛА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Кейинги йилларда республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Экин майдонлари ҳажми кенгайди, тармоққа бўлган эътибор кучайди. Давлат томонидан катта тадбир амалга оширилди. Айниқса, унумдор жойлардан ерлар ажратилганлиги, ғаллачилик ҳам, пахтачилик каби давлат сиёсатига айлантирилганлиги муҳимдир. Юртимизнинг кўпгина вилоятларида бу борада илғор тажрибалар тўпланяпти.

Баъзи хўжалик ва бригадаларда ҳосилдорлик 60-75 центнерни ташкил қилмоқда. Бу республикамизда тармоқни юксалтириш, ғалла мустақиллигига эришиш учун барча шарт-шароит, имконият мавжудлигини кўрсатди.

Лекин ўтган уч йилни таҳлил қиладиган бўлсак, ишнинг талаб даражасида эмаслиги, имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётганлигимиз кўзга ташланади. Бу ҳақда шу йил 27 январда Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалик масалалари батафсил муҳокама қилинган йиғилишда ҳам сўз борди. Олдимизда турган масалаларни зудлик билан ҳал йўлидан олиб бориш лозим. Ер майдонлари ҳажмини кўпайтиришнинг имкони йўқ. Ҳозир 1,5 миллион гектарда ғалла ўстирилмоқда. Энди уни кенгайтириш мумкин эмас. Фақат деҳқончилик маданиятини ошириш, фан ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар тажрибаси бунга мисол бўла олади. Уларда 50-80 центнердан ҳосил олинмоқда. Бизда ҳам шундай натижаларга эришиш учун аввало уруғчиликни йўлга қўйиш, тезпишар, серҳосил навларни яратиш, мавжудларидан туманларнинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланиш, экиннинг агротехника қоидаларига тўла риоя қилиш талаб этилади. Бу борада олимлар, мутахассислар, хўжалик, туман, бевосита тармоққа тегишли раҳбарлар олдида амалга оширилиши лозим бўлган масъулиятли вазифалар турибди.

Айниқса, ҳозир олимлар олдида асло кечиктириб бўлмайдиган юмушлар бор. Суғориладиган майдонлар учун барча туманларнинг табиий иқлим шароитига тўғри келадиган навлар оз. Борлари ҳам шу куннинг талаби даражасида эмас. Масалан, ҳозир юқори ҳосил бераётган навларнинг кўпчилиги республикамиз ташқарисидан олиб келинмоқда. Андижонлик тадбиркор ғаллакорлар Россиядан «Спартанка», «Скифянка», «Юна» навларини олиб келиб, яхши натижаларга эришаётирлар. Лалми майдонлар учун мўлжалланган навлар эса жуда оз.

Республика давлат нав синаш станцияси олдида катта вазифалар турибди. Районлаштириш масаласи алоҳида эътиборни талаб қилади. Тавсия қилинган навларни об-ҳаво, ер шароитига қараб назорат қилиб туриш лозим. Вақт ўтиши билан бошқа навлар тавсия қилиниши зарур. Шу билан бирга натижаларга қараб, туманларга мос навлар экилиши мумкин.

Сифатли сара уруғ тайёрлаш ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ҳозир кўп жойда уруғлар аралашиб кетган. Уруғлар бузилишига йўл қўймаслик жоиз.

Экин агротехникасига риоя қилиш ҳам ҳосилдорликни ошириш омилларидан бири ҳисобланади. Бу ишни ерни экишга тайёрлашдан бошлаш лозим. Тупроқ яхши тайёрланмаслиги туфайли ҳосилдорлик 6-10 центнер, ўғитни ўз вақтида бермаслик оқибатида 14 центнер, экинлар нотекис ерга жойлаштирилиши натижасида тўрт центнер, уларни ўт босиши туфайли эса 60 фоизга камайиши мумкин. Шу боис агротехника қоидаларига қатъий риоя этилиши муҳимдир.

Туманлар, хўжаликларнинг иқлим шароитига қараб ғаллани экиш муддатларини ҳам кўриб чиқиш керак. Уни имкон даражасига қараб олдинга суриш лозим. Шу билан бирга алмашлаб экиш, ерни маълум муддатга қора шудгор (дам олдириш) қилиб қўйиш ҳам ҳосилдорликни ошириш омилларидан биридир. Тўғриси, бизда бу ишлар номигагина бажарилади. Айниқса, қора шудгор қилиб қўйиш масаласида аҳвол мутлақо талабга жавоб бермайди.

Тармоқда аҳволнинг талабга жавоб бермаслиги сабабларидан бири баъзи ўринларда техниканинг такомиллашмаганлиги туфайли исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Масалан, ҳозир 400 минг гектарда ғўза ичига уруғ экилган. Биздаги мавжуд техниканинг такомиллашмаганлиги боис бундай ерларга дон экилаётганда 30 фоиз уруғлик жойига тушмаётир.

Ҳозир сув тақчиллиги муаммоси мавжуд. Айни ғўзани суғориш зарур бўлган пайтда ғаллани ҳам оби-ҳаётга қондириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бир гектар дон экилган ерга саккиз минг куб сув сарфланмоқда. Бу меъёрга қараганда 2,5-3 марта кўпдир. Давр суғориш технологиясини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Бунинг учун фан ютуқларидан фойдаланиш, чет давлатлар тажрибасини жорий қилиш лозим.

Масалан, томчилатиб суғориш усулини олиб кўрайлик. Бунда гектарига 2,5-3 минг куб оби-ҳаёт сарфланади. Суғоришни кўпайтириш ҳисобига ер ҳар доим нам бўлади. Натижада майсалар баравж ўсади. Томчилатиб суғориш тизими харажати дон таннархини қимматлаштириб юбормайдими деган савол туғилади. Агар ҳар гектар ҳисобига ҳосилдорлик катта миқдорда ошишини ҳисобга олсак, бу усул нафақат ўзини оқлайди, балки фойда келтиради. Хом ашё таннархи арзонлашади, ер, сувдан унумли фойдаланиш имкони туғилади. Масалан, бир миллион гектардан 5-6 миллион тонна ғалла олиш мумкин бўлади.

Хуллас, ғалла мустақиллигига эришиш учун кўп иш қилиниши лозим. Деҳқончилик маданиятини ошириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, чет эл тажрибаларидан унумли фойдаланиш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Давр тармоқни жадал ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Шу боис ишга масъулиятни тўла ҳис қилиб, жиддий киришиш зарур.

Куни кеча Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида юқорида қайд этилган масалалар муҳокамасига бағишланган «Ғалла мустақиллиги учун» мавзуида республика илмий-амалий кенгаши бўлиб ўтди. Унда бевосита тармоқ билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, илғор хўжалик раҳбарлари, бригадирлар, вазирликлар ходимлари қатнашдилар. Кенгашни Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори, академик Н.Ҳамроев олиб борди. Анжуманда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Й.Узоқов ўз маърузасида мамлакат ғаллачилигидаги бугунги аҳволни атрофлича таҳлил этиб, ҳосилдорликни ошириш зарурлигига эътиборни қаратди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## БИР ХЎЖАЛИКДАН ИККИ ХАБАР

### ШЎР ЮВИЛМОҚДА

Бекобод туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги деҳқонлари ерларга яхоб суви бермоқдалар. Ишга миришкор, тажрибали сувчилар жалб этилган.

Хўжаликда шўр тупроқнинг юз қатламига чиқадиган 400 гектар ерга яхоб берилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 150 гектардан ортиқ шундай майдонларнинг шўри ювилди.

Жамоанинг 1-бўлимидаги Нурмуҳаммад Қўшбоев, 3-бўлимдаги Худойназар Бердимуродов раҳбарлик қилаётган бригадаларда бу иш намунали олиб борилмоқда. Абдуқодир Эрдонов, Абдухалил Қўшбоев ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

### ТЕХНИКА ШАЙ

Жамоа хўжалиги механизаторлари кўкламги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Марказий таъмирлаш устахонасида иш қизғин. Ҳозиргача баҳорги дала ишларида ишлатиладиган асосий техника созлаб қўйилди.

Ҳабибулло Шербеков, Абдураззоқ Алимов, Абдунаби Хўжанов каби техника жиловкорлари ўз агрегатларини биринчилардан бўлиб сифатли таъмирдан чиқардилар. Уларга бириктирилган «МТЗ-80» тракторлари чигит экиш учун шай қилиб қўйилди.

Таъмирлаш ишлари марказлашган ҳолда ташкил этилган. Механизаторлар иссиқ овқат билан таъминланмоқда. 15 та чигит экиш агрегати, ерларни текислайдиган механизмлар, чопиқ ва ҳайдов тракторлари ҳам тайёр ҳолга келтирилди.

Бу йил ғалабаликлар 100 гектар майдонга Андижон усулида плёнка остига чигит экишга ҳам тайёргарлик кўрмоқдалар.

**Турсунали УСМОНОВ.**

